

Сийрат дарслари (68-дарс). Ким намозни унутса...



16:00 / 17.01.2020 5626

316. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким намозни унутса, бас, уни эслаган пайтида ўқиб олсин. Унинг бундан бошқа каффороти йўқдир»**, дедилар».

Қатода: **«Намозни Менинг зикрим учун қоим қил»** оятини ўқиди.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: **«Бирортангиз намоздан ухлаб ёки ғофил қолса, уни эслаганда ўқиб олсин. Чунки Аллоҳ: «Намозни Менинг зикрим учун қоим қил», дейди»**, дейилган.

Муслим ривоят қилган.

317. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Азонни эшитганингизда муаззин айтаётган нарсани айтинглар»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан